

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 28 (938)

2013-yil, 5-iyul, juma



лаштирилиши ва фермерлик ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракция муҳокамасига ҳавола этилди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур фармон билан тасдиқланган Фермер хўжалиқларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган фермерликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар Дастурининг 5- ва 6-бандларига мувофиқ «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан берилган батафсил ахборотдан сўнг фракция аъзолари уни қизгин муҳокама қилишди. Қонун лойиҳаси муҳокама-сида депутатлар партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқадиган таклиф ва тавсияларини, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси муҳокама-сига киритиш масаласи Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси томонидан ўрганиб чиқилгани, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аграр соҳада етакчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига мустаҳкам замин яратиши алоҳида таъкидланди.

2 ➤

Комил инсон тарбияси

фаол ва замонавий аёллар зиммасидаги улкан масъулиятдир

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши, партиянинг Навоий вилояти ҳамда Конимех ва Навбахор туман кенгашлари томонидан ташкил этилган дав-ра суҳбатлари ана шу мавзуга бағишланди.

Конимех туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳамда Навбахор туман болалар мусиқа ва санъат мактабининг мажлислар залида бўлиб ўтган тадбирларда бу мавзунинг танланганлиги бежиз эмас. Негаки, мамлакатимизнинг эртанги истиқболи, тақдири кўп жиҳатдан ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишига боғлиқ. Бу эса энг аввало оналар, аёллар зиммасига катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда оналар ва болаларга, оилага эътибор ва ғамхўрлик давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада қабул қилиниб ҳаётга татбиқ этилаётган кўплаб қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари ўзининг ҳаётбахш самараларини бермоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ислохотлар натижаларини бугун бутун дунё эътироф этаётганлиги ҳам шундан далолатдир. Конимех туманида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаоллари, халқ таълими ходимлари, хотин-қизлар кўмиталари раҳ-

барлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддилари, банк тизимининг мутахассислари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан мулоқотда сўзга чиққан Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси Зухра Ботирова ана шулар хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Оилада соғлом турмуш тарзини яратиш, комил инсонни тарбиялаш, шакллантиришнинг муҳим омил эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда тўпланганларни бундан зумга ҳам унутмасликка чақирди.

6 ➤

Янги қонун лойиҳалари фракция муҳокамасида

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг қонун лойиҳалари муҳокамаларига бағишланган навбатдаги йиғилишида дастлаб «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги таҳрири фракция аъзолари томонидан қизгин муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан батафсил ахборот берган Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзосининг таъкидлашича, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда тайёрланиш жараёнида фракциялар ва депутатлик гуруҳи томонидан билдирилган таклифлар чуқур ўрганилди ва шу асосида кўмита томонидан иккинчи ўқишга тайёрланди.

Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясининг 18-моддасига нисбатан қўшимча шартдан воз кечилиши муно-

сабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1066-моддасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг «Асарнинг ижтимоий мулкка айланиши» деб номланган 37-моддасидан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади» деган жумлаларни чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

«Фермерлик фаолиятини ташкил этиш янада такомил-

Ҳокимият органлари фаолияти очиклиги — давр талаби

Ҳуқуқий эксперимент

Маълумки, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида Президентимизнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказиш ҳақида»ги Фармойиши ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур лойиҳа ахборот олиш имкониятини янада кенг тайинлашга йўналтирилган юқоридаги ҳуқуқий ҳужжат ижроси бўйича самарали механизмлар ишлаб чиқишга хизмат қилади. Ушбу ҳуқуқий тажриба аҳамияти ҳақида аҳолининг турли қатламлари вакиллари ўз муносабатларини билдирмоқдалар.

Х.ЭШМУРОВОД,
Бухоро вилоятидаги
«Когон юлдузи» фермер
хўжалиги раҳбари:

— Кундалик ҳаётимизда тез-тез жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид у ёки бу ахборотни олишга эҳтиёж туғилади. Шунини ҳисобга олиш лозимки, ҳар ким ҳам ушбу юмушни тезкорлик

билан амалга ошира олмайди. Афсуски, ҳозирги кунда ўтган тузумдан мерос бўлиб қолган «ўзига хос» менталитет ёки одатларга эга мансабдор шахслар учраб турибди ва улар ўзларига бўлган барча мурожаатларга сансалорлик билан ёндашишга эътибор.

5 ➤

Истиқлол берган имкониятлар

тарғиботида Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам фаол иштирок этади

Ижроия Қўмита йиғилиши

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Партия фаолиятига доир бир қатор долзарб масалалар муҳокама этилган мажлисда дастлаб Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.



2 ➤

Сўз бердингми, бажар!

Муқобил энергия масаласи — сессия муҳокамасида

5 ➤

Эркинлик, адолат ва бирдамлик — социал-демократия асоси



2 ➤

Фаолият



Ф. Хусан АСРОРОВ

Янги қонун лойиҳалари фракция муҳокамасида

Давоми. Боши 1-бетда

Зухра БОТИРОВА, фракция аъзоси:

— Қонун лойиҳаси фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, энергиянинг муқобил турларидан фойдаланишни кенгайтиришга қулай замин яратиш имконини беради. Келгусида томчилаб сугориш технологиясидан фойдаланадиган юридик шахсларнинг мазкур технология жорий қилинган майдондан олиннадиган ягона ер солигидан беш йил муддатга озод қилиш кўзда тутилганлиги янги инновацион сугориш технологияларини қўллашга рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ривожлантириш учун қўшимча шароитларни яратиш мақсадида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига фермерларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан биргаликда қонунчиликда таъкидланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланишида ҳуқуқларини янада аниқлаштирувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Феруза ОМОНОВА, фракция аъзоси:

— Фермер хўжаликларига кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйишни рағбатлантириш, жумладан, бунинг учун солиқ имтиёзларини бериш, пахта-йилғим теримига вақтинчалик жалб қилинган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларини даромад солиқларидан озод қилиш ва бошқа бир қатор шу каби имтиёзлар қишлоқларда инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу нуктаи назардан мазкур қонун лойиҳаси партия мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари томонидан товарларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажаришда ривожлантиришга, тақдир қилинаётган ўзгаришлар ҳам диққатга сазовордир.

«Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда фракция муҳокамасига тақдим этилди.

Қонун лойиҳасининг мақсади қонун ҳужжатларининг алоҳида нормаларини «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиришдан иборат.

Мазкур қонун лойиҳасининг

қабул қилиниши «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳар томонлама мос келади, зеро, сайловолди дастурида партия «иқтисодиётда давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирлик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, расмийликни унсурларини бартараф этиш, қабул қилинаётган қарорларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш тарафдори» эканлиги алоҳида қайд этилган.

«Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни (янги таҳрири) тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ҳам мажлисда қизғин муҳокама этилди.

Абдуқамол РАҲМОНОВ, фракция аъзоси:

— Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчил давом этмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасига бундай эътибор, айниқса, Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

Чунончи, партия сайловолди дастурида белгиланганидек, партия мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакли ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш тарафдоридир.

Ойша АХУНОВА, фракция аъзоси:

— Юрида номи келтирилган ушбу Фармойиш билан судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича кенчириб бўлмайдиган чораларни қўриш, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини янада таъминлашнинг Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш кўзда тутилган. Фармойиш билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуқуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом янги таҳрирдан тасдиқланди.

«Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом янги таҳрирининг тасдиқланиши судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини такомиллаштиришга олиб келади.

«Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонуни лойиҳа-

сининг биринчи ўқишдаги муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Қонун лойиҳаси сугурта қилдирувчилар қонун ҳужжатларда белгиланган сугурта қилиш мажбуриятини бажаришларини давлат бошқарув органлари томонидан тегишли назоратини таъминлаш учун ишлаб чиқилган.

Шунингдек, фракция мажлисида муҳокамага киритилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси талаблари ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси Концепциясида белгиланган устувор вазифа ва йўналишларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилаш, шунингдек, уларнинг экология, соғлиқни сақлаш бўйича муҳим давлат дастурларини ва бошқа муаммоларни ҳал этишда иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ, фракция аъзоси:

— Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси экологик назоратни, атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ҳолатнинг мониторингини амалга ошириш, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмининг яратиш, давлат органлари, экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорат хизматлари ваколатларини, ушбу соҳада улар томонидан ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини белгилаш долзарб масала, деб ҳисоблайди. Зеро, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлашимиз лозим.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши экологик назоратини амалга оширишга жамоатчиликни жалб этиш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласида қатнашиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, шунингдек, ушбу соҳадаги қонунларнинг ижросини таъминлашга ва жамиятнинг турли қатламларини ва давлат тузилмаларини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларнинг ечимини топишга жалб этган ҳолда экологик назорат тизимини татбиқ этиш имконини беради.

Мажлис кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан кенг муҳокама этилгандан сўнг, Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясидан келиб чиққан ҳолда тақдиф ва мулоҳазалар билдирилди. Қонун лойиҳалари концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ, «Адолат» мухбири

Истиқлол берган имкониятлар

тарғиботида Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам фаол иштирок этади

Давоми. Боши 1-бетда

Чунончи, мамлакатимиз ниҳоятда қисқа бир даврда бугунги бекиёс натижаларга, тинч ва осуда ҳаёт, барқарор иқтисодиёт ҳамда халқаро эътирофга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Биз бунга, энг аввало, истиқлол берган эркинлик ҳуқуқи асосида эришдик. Мазкур қарор, шубҳасиз, юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, мамлакатимизни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш стратегиясининг мазмун-моҳиятини, унинг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асослангани, ислохотларнинг инсон манфаати ва ҳуқуқи, жамиятдаги барча аҳоли қатлами эҳтиёжлари ва халқ фаровонлиги гоёсига хизмат қилишининг ноқиз ҳаётларини янада кенг-роқ очиб беришга хизмат қиладиган навбатдаги тарихий ҳужжат бўлди.

Таъкидланганидек, Истиқлол айёми арафасида партия ташкилотлари томонидан байрам, маънавий-маърифий кечалар, ижтимоий-маданий тадбирларни ташкил этиш, барча маҳалаларда ушбу сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда партиянинг амалий иштирокини таъминлаш мустаҳкам аънафга айланган. Бу йил ҳам ушбу қутлуғ айём арафасида марказда ва жойлардаги байрам тадбирларини ташкил этиш, аҳоли ва айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий кечалар ўтказишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаб бориш зарур.

— Мустақиллик байрамнинг 22 йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлашга йўналтирилган ташкилий ишларда Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўз масъулиятини ҳис

қилмоқда, — деди партия Марказий аппарати бўлими муdiri А.Самеджанов. — Энг улуғ, энг азиз байрамимизни нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва натижаларни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш масалалари партия ташкилотлари эътибор марказида бўлиши зарур.

Масала муҳокамаси жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашларининг мустақиллик байрами муносабати билан жойларда ўтказиладиган тадбирларини уюшқоқлик билан ташкиллаштириш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларга эл севган инсонлар, таниқли кишилар, мохир нотикларни жалб этиш, тадбирларда кенг жамоатчилик ва электорат вакилларининг иштирокини таъминлаш ва бошқа ташкилий-амалий ишларни олиб бориш юзасидан тақдирлар ўртага ташланди.

Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши ва унинг маъсислигидаги «Адолат» ижтимоий-сийёсий газетаси таҳририяти ўртасида тузилган таъсис шартноманинг бажарилиши тўғрисида»ги масала ҳам Ижроия Қўмита аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, партия ва газета ўртасида имзоланган



таъсис шартнома бандлари ижроси таъминланмоқда. Таҳририят, хусусан, муассиси — Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши, фракцияси, ҳудудий ташкилотлари ҳамда фаол аъзолари фаолияти ва ҳаётини мунтазам ёритиб бормоқда. Уларнинг ютуқ ва муваффақиятларини, фаолиятига оид тақлифларини, тавсияларини, муаммо ва ечимлар тўғрисида материаллар мунтазам чоп этилмоқда.

Масала муҳокамаси жараёнида шартноманинг айрим бандлари ижросидаги камчиликларни бартараф этиш, қолаверса, баъзи бандларга ўзгаришлар киритиш ҳамда газета таҳрир хайъатини қайта қўриб чиқиш ва таркибий жиҳатдан янгилас юзасидан тақлифлар билдирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг янги таҳрирдаги Дастури концепциясини тайёрлаш бўйича тузилган эксперт гуруҳи таркибига ўзгариш киритиш ва партия Уставининг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаш бўйича

ишчи гуруҳни тузиш тўғрисида», «2013 йил 8 июндаги ишчи йиғилиши тавсияларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолияти услуби, шакли ва усулларини янгиланиннинг асосий йўналишлари тўғрисида» ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Х Пленумини чақариш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ижроия Қўмита мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари С.Турсунов, фракция аъзоларидан З.Ботирова, Қ.Жўраев, А.Раҳмонов, У.Жуманиёзов, Ижрокўм аъзоларидан А.Самеджанов, К.Шодиметов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини баён этдилар.

Мажлис якунида қўрилган масалалар юзасидан билдирилган тақдиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илҳо САХАТОВ, «Адолат» мухбири

Эркинлик, адолат ва бирдамлик — социал-демократия асоси

Сийёсий ўқув

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида социал-демократик йўналишдаги сийёсий партиялар сони 200 дан ортиқ бўлиб, уларга 50 миллион нафардан зиёд киши аъзодир.



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Сийёсий модернизация жараёнларида социал-демократия қадриятлари ва тамойилларини амалга ошириш йўллари» мавзусидаги семинарда социал-демократия мафкурасининг илмий-назарий асоси ва тарихи, ушбу гоёнинг фуқаролар ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр алмашилди.

Асосий мақсади мамлакатда сийёсий модернизация жараёнларида социал-демократия қадриятлари ва тамойилларини таҳлил этиш ва Ўзбекистон «Адолат» СДП мафкурасининг илмий-назарий асоси ва тарихи, ушбу гоёнинг фуқаролар ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр алмашилди.

Асосий мақсади мамлакатда сийёсий модернизация жараёнларида социал-демократия қадриятлари ва тамойилларини таҳлил этиш ва Ўзбекистон «Адолат» СДП мафкурасининг илмий-назарий асоси ва тарихи, ушбу гоёнинг фуқаролар ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр алмашилди.

биринчи навбатда ахлоқий ҳаракат эканлигини, унинг бошқа мафкураларни тизимлардан фарқ қиладиган жиҳати, у қандайдир ягона намунага йўналган эмаслиги, диққат марказида давлатнинг ижтимоий-сийёсий ва иқтисодий ривожланиши масаласи туришини алоҳида эътироф этди.

— Ҳар бир партия мустақил ҳисобланади ва фақат ўз аъзолари ва сайловчилари олдида жавоб беради, — дейди Н.Умаров ўз сўзида. — Лекин уларнинг барчаси асосида ижтимоий адолат, инсон қадри ва демократия учун кураш мақсади ётади. Социал-демократия — эркинлик, адолат ва бирдамликдан иборат бўлган фундаментал қадриятларга тегиш аҳамият бериб, ҳеч қачон улардан воз кечмайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси С.Турсуновнинг «Партия ташкилотларининг парламентдаги фракцияси билан ҳамкорлигини янада кенг қамраб олиш ва шакл-

лари», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмоновнинг «Мамлакатда амалга оширилаётган сийёсий модернизация жараёнларида Ўзбе-

кистон «Адолат» СДП фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги маърузалари тингланди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистон «Адолат» СДП учун муҳим аҳамият касб этиб, унинг асосида партиянинг навбатдаги вазифалари режалаштирилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Раҳмонов. — Хусусан, мазкур Концепциянинг бугун амалдаги ҳаётда ўз ифодасини топаётганлиги сийёсий партиянинг марказий ва маҳаллий партия ташкилотларини давлат ҳокимияти бошқаруви органларида фаол иштирок этишни, парламент назоратини, барча даражадаги партия

депутатлик бирлашмаларининг жойларда қонун ижроси устидан ваколатли назоратни ўрнатилиши, давлат ҳокимияти органлари ўртасида фаолият муносаббигининг таъминланиши ва ўзаро таъсир механизмларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Энг асосийси, кучли депутатлик корпусини шакллантириш ва унинг фаол ишлашини таъминлаш ва улар орқали партия электорати манфаатларини сийёсий институтлар воситасида профессионал даражада ифодалаш, амалга ошириш механизмларини ўрганишни ва уларни қўллаш биллини тақозо этмоқда.

Семинарда, шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши аъзоси, сийёсий фанлар номзоди, профессор Ф.Равшанов, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзоси А.Самеджановлар маърузалари тингланди.

Тадбирнинг савол-жавоблар қисмида семинар тингловчилари партиянинг мавқеини оширишда муҳим бўлган сифатида хизмат қилувчи ҳудудий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш, унинг сафини кенгайтириш ҳамда келгуси йил бўлиб ўтадиган сайловга номзодлар захирасини тайёрлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тақлифлар кўриб чиқилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Т.Матибаев партия аъзоларини маҳаллалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аҳоли ҳаётида учраётган зиддиятчи масалалар билан ақидан таънишиб, уларни қонун доирасида ҳал этишга эришиш, яъни сафдошларни жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаоллаштиришга ундади.

Саодат СОДИҚОВА, «Адолат» мухбири

Ёниб яшаш саодати

«Адолат»нинг адолатли аёллари

Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни, нуфузини ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида, олиб бораётган саяб-ҳаракатларида ҳам айна шу жиҳатлар муҳим ўрин тутди. Маълумки, оилада аёл, тарбиячи, она ва рафиқанинг ўрни бекиёс. Оила эса жамиятнинг ажралмас ва асосий бўғини ҳисобланади.

Партиянинг Когон туман ва шаҳар кенгашлари раиси Гулнора Мўминовани бемалол жамиятимиздаги мана шундай аёллар сирасига киритиш мумкин. Сергайрат, интилувчан ва адолатпарвар бу аёлни Когонда кўпчилик яхши билади. Асли касби педагог Гулнора опа мана тўрт йилдирки, «Адолат» социал-демократик партиясининг жонкуяр тарафдори, ишчан раиси сифатида элга танилган. Сиёсий янгиланиш жараёнлари изчил тус олаётган айна даврда Гулнора опанинг, айниқса, иши кўпайган. Айна пайтда у партия гоёларини одамларга содда ва аниқ тилда етказиб беришга қодир сиёсий етук кадрларни топиш, уларни жой-жойига қўйиш, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан алоқасини мустаҳкамлаш, қўйи бўғинлар фаоллигини ошириш каби ишларга бош-қош. Жойларда кенг жамоатчилик вакиллари билан ўтказиётган учрашувларида мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда «Қадр-қим-

матим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» ширининг туб мазмун-моҳиятини қиёсий мисоллар асосида очиб беришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Ўтказиётган тадбирларга вилоятдаги кўзга кўринган олимлар, сиёсатчилар жалб этилаётгани унинг қизиқарли ўтишини таъминлаётди.

— 2009 йилда партия аъзоллигига қабул қилиндим. Шу йили илк бора сайловлар жараёнида иштирок этганимда, сайловлар — фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли эканлигини тушуниб етганим, — дейди у. — Айна пайтда халқ депутатлари маҳаллий кенгашидаги депутатлик гуруҳи орқали сайловчи-

ларга берилган ваъданинг устидан чиқишга, депутатларимиз ташаббускорлигини кучайтиришга биринчи даражали вазифа сифатида қараймиз.

Ҳозир Когон тумани ва шаҳрида Зубайдулло Шарипов, Нодира Мўминова, Камол Нарзуллаев, Фарҳод Мардонов каби депутатларимиз фаол десак, янглишмаймиз. Зубайдулло Шарипов ўз сайлов ҳудудидаги муаммоларини ўрганиб, «Талижа» ва «Қуржон» қишлоқларидаги йўл қурилиши ва ичимлик суви таъминотидаги камчиликлар ҳақида халқ депутатлари Когон туман кенгаши сессиясига алоҳида масала киритди. Ушбу масала вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига ҳам киритилди. Айна пайтда мазкур қишлоқлардаги 2,1 км. йўллар таъмирланди, бир неча йилдан бери ишламаётган сув иншооти ҳам ишга туширилди. Бундан ташқари, яна бир депутатимиз, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Нодира Мўминова Когон шаҳридаги маданий байрам тадбирларида ўтказишда бош-қош бўлмоқда, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга яқиндан ёрдам бериш бўйича амалий ишлар қилаётгани таҳсинга лойиқ.

Шунингдек, Нодирахон ўтган 2012 йилда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан ўтказилган «Оқила аёл» кўрик-танловининг республика босқичида муносиб иштирок этди. Яна депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «Шодлик» номли мактабда таълим муассасасида гимнастика тўғраги ташкил этилди.

— Гулнора Мўминова Когон шаҳри ва туманида партиянинг «Аёллар қаноти» ишининг ривожланиши ва электорат орасида партиямиз гоёларини тарғиб қилишда, қонунчилигимизга киритилаётган ўзгаришларни жамоатчиликка тушултириш учун турли тадбирларни, давра суҳбати, сиёсий ўқув ва семинарларни ташкил этмоқда, — дейди партиянинг вилоят Кенгаши раис ўринбасари Дилбар Ҳамдамова.

Айна пайтда Когонда 350 нафарга яқин «Адолат» партиясининг аъзолари бор. Мавжуд 12 та қўйи ташкилотларнинг энг намуналилари сирасига Бухоро темир йўл узели, Бухоро электр тармоқлари корхонаси ва Когон туман маиший хизмат коллежида иш юритаётган БПТларни киритиш мумкин.

— Ҳозир Когон темир йўл шифохонасида янги қўйи ташкилот ташкил қилиш ҳарака-


тида юрибмиз, — дейди Гулнора опа. — Фуқароларнинг сиёсий онги ошиб бораётганини, партиямизнинг сайловолди дастурига, ҳаётбахш гоёларига қизиқувчилар кўпайиб бораётганини кузатиш жуда завқли. Демак, одамларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга, бу асосдаги сиёсий ўзгаришларга нисбатан бефарқ эмас.

Қаҳрамонимиз 32 йилдан буён халқ таълими соҳаси фидойиси. Уни Когонда халқ таълимининг жонкуярларидан бири дейиш мумкин. Шаҳардаги мусиқа мактабида фортепьяно ўқитувчиси сифатида иш бошлаган опа кейинчалик туман ва шаҳардаги қатор мактабга таълим муассасаларида мудира бўлиб ишлаган. Талабчан, билимдон, жамоа билан ишлашни яхши кўрадиган Гулнора Мўминованинг раҳбарлиги туфайли кўпгина муассасаларда тартиб-интизом, таълим-тарбия масалаларида ижобий ўзгаришлар юз берган.

Гулнора Мўминова билан анча суҳбатлашдик. Самимий, кўзлари қулиб турадиган бу аёлнинг айтган бир гапи ёдимда қолди. «Аёл кишининг бахти ўз қўлида. У ҳаракат қилса, ҳамма нарсаси эришиши мумкин. Чунки ҳозир жамиятимизда хотин-қизларга катта эътибор берилляпти. Аёл бўлса ўз кучига, атрофидаги яхши одамларга ишонса бўлди. Атрофимизда эса яхши инсонлар кам эмас, албатта».

Моҳиғул НАЗАРОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП,
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Айна пайтда Когонда 350 нафарга яқин «Адолат» партиясининг аъзолари бор. Мавжуд 12 та қўйи ташкилотларнинг энг намуналилари сирасига Бухоро темир йўл узели, Бухоро электр тармоқлари корхонаси ва Когон туман маиший хизмат коллежида иш юритаётган БПТларни киритиш мумкин.



“Орол”да БПТ тузилди

БПТ — партия кучи

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, партия гоёвий тарғиботини кучайтириш, кенг халқ оммаси орасига кириб боришда бошланғич партия ташкилотларига таянади. Қўйи бўғинларда тарғибот ишлари изчил йўлга қўйилсагина партиянинг сиёсий фаоллиги таъминланади.

Бошланғич партия ташкилотлари аъзолари зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда ташаббускор бўлиши, ҳудуддаги ўки бу муаммо ечимни юзасидан ўзидан юқори партия ташкилотига тақдирлар киритиши, мамлакат ҳаётининг муҳим масалалари юзасидан ўз тарафдорларининг фикр ва мулоҳазаларини юзага чиқариш, бу масалалар бўйича партия позициясини кенг жамоатчиликка тушултири билиши тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширади. Партиянинг халқ орасига кириб боришига, унинг гоёлари ҳаётлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунга қадар Термиз туманида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фаолият кўрсатган 12 та қўйи ташкилотларининг фаоллиги натижасида партия сафлари тобора кенгайиб, сиёсий жиҳатдан етук, партия гоёларига бефарқ бўлмаган шижоатли, ўз мустақил фикрига эга бўлган аъзолари кўпайиб бормоқда. Фикримизнинг далили сифатида яқинда тумандаги «Орол» маҳалла фуқаролар йиғинида бошланғич партия ташкилоти тузилди. Со-

циал-демократия гоёларини ўз ҳаётининг ажралмас қисми, деб биладиган 30 нафар педагог зиёлилар партия аъзоллигига қабул қилинди.

— Мен 2009 йилдан буён Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси ҳамда халқ депутатлари Термиз туман кенгаши депутати-ман, — дейди Насиба Рўзиева. — «Орол» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси этиб тайинланишим зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Бизнинг олдимизда партия-мизнинг асосий мақсадини кенг жамоатчиликка етказиш вазифаси турибди. Биласиз, демократик, ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган қўйи адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий, жиғслашган жамият-ни шакллантиришда фаол иштирок этиш «Адолат» партия-

сининг асосий мақсади. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушултириш, фуқаролар орасида сиёсий-маърифий, ташвиқот-тарғибот ва бошқа шу каби ишларни олиб бориш ҳам алоҳида жонбозликни талаб этади.

Бугунги кунда Насиба Рўзиева ортидан эргашадиган аёллар кўпчилики ташкил этади. Чунки у 20 йилга яқин педагогик фаолияти давомида қатор муваффақиятларга эришган аёлдир. Унинг тинимсиз изла-нишлари давлатимиз томони-дан муносиб баҳолашиб, «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Ҳам жамоасида, ҳам партия фаолиятида жонкуярлик кўрсатаётган Насиба Рўзиева бугун атрофида мас-лакдошлари кўпаётганидан мамнун.

— Ҳамкасбим Насиба Рўзие-ванинг жонкуярлиги ва ташаббускорлигига тўғриси ҳавасим келарди. Эндиликда у етак-чилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти аъзосиман. Ўйлайманки, мен ҳам партия-нинг мақсад ва вазифалари-ни тарғиб этишда фаол ишти-рок этаман, — дейди Гулбаҳор Салаева.

Худди шундай илиқ фикр-ларни партиянинг янги аъзо-ларидан Зайнаб Аллакова, Сайёра Таганова, Фариди Яс-ханова, Гўзал Язиева, Байрам-гул Ражабовалар ҳам таъкид-лашди.

Райхон ЖУМАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Кўпчиликка ибрат фаолият

Ижтимоийда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга, албатта. Жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолияти-ни кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияга ёрдам берувчи ишчи гуруҳи олиб бораётган ишлар ибратга сазовор.

Мазкур ишчи гуруҳи аъзолари томонидан меҳнат жамоатлари, ўқув муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-рида даврнинг долзарб масалаларига бағишланган бевосита му-лоқотлар, учрашувлар, маърузалар ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ишчи гуруҳ аъзоси, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзо-си Тошпўлат Матиев томонидан бир ой ичида «Мамлакат хавф-сизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз», «Огоҳ-лик — давр талаби», «Одам савдоси — глобал хавф» каби мавзу-ларда ўнга яқин маърузалар ўқилди. Бу ҳақда Сенат комиссияси-нинг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ма-ҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тош-кент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги ишчи гуруҳнинг ижобий иш та-жрибасини Сенат комиссиясига ёрдам берувчи Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги ишчи гуруҳлар фаолиятига жорий этиш юзасидан тавсия ҳақидаги» қарориди баён этилган.

“Ёш адолатчилар”: билимли, шижоатли, ташаббускор

Сирдарё вилоятидаги 201 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган 4481 нафар партия аъзоларининг 32 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Улар орасида ватан-парвар, ташаббускор, жамоатчилик ишлари-да фаол, солоҳиятли ёшлар кўпчиликини таш-кил этади.

Гулистон шаҳар 1-академик лицейи талабаси Дилбар Хол-жигитова «Ёш адолатчилар» қанотининг иқтидорли ёшларидан саналади. Дилбар спортнинг тазквондо тури би-лан шуғулланиб келади. У вилоят, республика ва китъа чемпионатларида жами 31 та медални кўлга киритган, шу-лардан 18 таси олтин.

— Юртимиз шарафини жа-ҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилиш менга юксак шараф ва ифтихор бағишлай-ди, — дейди Дилбар.

Дилбар Холжигитова жамо-ат ишларида ҳам фаол қат-нашади. У «Ёш адолатчилар»

қаноти остига интилувчан, ҳаракатчан тенгдошларини бирлаштирмоқда.

— Жамият ўз олдига мус-тақил фикрловчи эркин шах-сни шакллантириш вазифаси-ни қўймоқда. Бу ўз қадр-қим-матини англайдиган, ирода-си бақувват, ҳаётда аниқ мақ-садга эга бўлган ёшларни тарбиялаш деганидир, — дей-ди вилоят партия Кенгаши-нинг «Ёш адолатчилар» қано-ти раиси Мирозиз Халилов. — Вилоятимизда ҳам ёшлар-нинг маънавий, ахлоқий жи-ҳатдан комил инсон бўлиб-вояга етиши йўлида барча-ларнинг меҳнат шaroитини

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши жорий йилнинг бошидан партиявий тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Сифат йили» лойиҳаси асосида жой-ларда тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Йил-нинг I чораги давомида ўтказган тадбирлар таҳлили мазкур лойиҳа ўз самарасини бе-раётганини кўрсатади.

“Сифат йили” лойиҳаси

партиявий ишда қўл келмоқда

— Ўтган йил якунида бўлиб ўтган вилоят партия Кенгаши-нинг пленумида 2013 йилни «Сифат йили» деб эълон қил-дик ва ушбу лойиҳа асосида тарғибот-ташвиқот тадбирла-рини ташкил этиш борасида тегишли режалар ишлаб чиқ-дик ҳамда вилоят партия Кен-гашининг тегишли қарорлари-ни қабул қилдик, — дейди «Адолат» СДП Хоразм вилоят-и Кенгаши раиси Н.Эшметов. — Бундан кўзланган асосий мақсад партиянинг жойларда-ги ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган турли мав-зудаги тадбирлар таъсирчан-лигини, уларнинг самарадор-лигини оширишдир. Қолавер-са, «Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетика»ни жорий этиш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Обод турмуш йили»-да фаол иштирокини таъмин-лашга қаратилган 2013 йилда-ги фаолиятининг устувор ва-зифалари сифатида белгилан-ган.

«Сифат йили» лойиҳаси асо-сида эса вилоят партия Кен-гашимиз ушбу вазифаларни ҳам самарали бажаришга ало-ҳида эътибор қаратиб келмоқ-да. Ўтган уч ой мобайнида барча туман ва шаҳарлардаги партия ташкилотларимиз аниқ режа асосида 30 дан ортиқ муқобил энергия тарғиботи-га қаратилган тадбирларни таш-кил этди. Ушбу тадбирларнинг ўтказилишида замонавий ме-ханизмлардан унумли фойда-ланилгани, яъни кўргазмали слайдлар, муқобил энергия ҳақидаги хорижий тахриба, видео-роликлар, қурилмалар-нинг иштирокчиларга ҳавола этилаётгани уларда катта қи-зиқиш уйғотмоқда. «Сифат йили» лойиҳаси асосида тад-бирлар ташкил этишда фаол-лик кўрсатиб келаётган ҳудо-дий партия ташкилотларимиз йил якунида вилоят Кенгаши томонидан махсус рағбатлан-тирилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур лойиҳада вилоят пар-

тия Кенгашининг «Аёллар» ва «Ёш адолатчилар» қанотлари ҳам фаол иштирок этмоқда, бунинг натижаси хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ташкил этилаётган ташвиқот тадбир-ларининг сифат ва самара-дорлиги ошганлигида намоён бўлмоқда.

Масалан, жорий йилнинг I чораги давомида Богот, Хо-нка, Урганч, Ҳазорасп, Янгия-рик каби бир қатор туманлар-да «Ёш адолатчилар» ташаб-буси билан «Гийҳвандлик ва ОИТС — аср вабоси» мавзуи-даги туркум тадбирларнинг ташкил этилгани, уларда ёшларнинг иштироки кўпайга-ни, партия сафи ёшлар ҳисо-бига янада кенгайгани бунга мисолдир.

Шунингдек, «Аёллар қаноти» томонидан жойларда ташкил этилаётган «Соғлом оила — порлок келажак» мавзусидаги тадбирларнинг ҳар бирида 80-100 нафардан ортиқ хотин-қизларнинг иштироки таъмин-ланмоқда. «Сифат йили» лойи-ҳаси асосидаги тадбирларнинг ҳар бири амалий ишлар бил-лан тўлдирилмоқда. Яъни, тиб-биёт муассасалари билан ҳам-корликда ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, ёлғиз кексалар хо-надонларига ташриф буюри-шиб, уларни бепул тиббий қўриқдан ўтказишмоқда.

Мухтасар айтганда, вилоят партия Кенгаши ва унинг ҳудо-дий ташкилотлари Президент фармонлари ва Давлат дастур-лари тарғиботи, уларнинг иж-роси юзасидан жамоатчилик назорати, партиявий тадбир-ларнинг барчасини «Сифат йили» лойиҳаси асосида таш-кил этиб келмоқда. Хоразм-ликларнинг ишда бундай ён-дашуви «Адолат» СДПнинг ҳудуддаги обрўйи ва мавқеи-ни янада мустаҳкамлайди, ал-батта.

Иқболлой НИШОНБОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот котиби



яхшилаш, бизнес тузилмалар-нинг ижтимоий масъулияти-ни янада ошириш долзарб вазифа», «Мамлакат сиёсий ҳаётидаги ёшларнинг ўрни ва партия ёшларининг етакчилик маҳоратини шакллантириш» каби мавзулардаги тадбир-ларда ёшлар фаол иштирок этиб, ўзаро фикр алмашди-лар.

Азизхон ЭПОНХОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Партия ҳаёти

Юрт равнақи, эл фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир

Депутат минбари

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўларок, иқтисодийимиз барқарор ривожланмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш, шу орқали уларнинг даромадларини ошириш ва турмуш даражасини юксалтириш борасида кўлга кириштирилган натижалар шундай дейишимизга асос бўлади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи чорагидаги ижросига доир ҳисоботида бу яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

Жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденцияларга қарамай, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» талаблари ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган жорий йилдаги иқтисодий дастурнинг асосий вазифалари изчил рўйбга чиқарилиши натижасида ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносиблиги таъминлангани барчамизни қувонтиради, албатта.

Жорий йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари — 7,5 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 6,0 фоизни ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,2 фоизни, қурилиш пудрат ишлари ҳажми — 13,2 фоизни ташкил этди.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлашти-

ришни чуқурлаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,1 фоизга ва хизматлар ҳажми — 9,0 фоизга ўсишига кўмаклашди. Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар сотиб олиш ҳамда айланма капитални тўлдириш учун банклар томонидан 652,6 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди, бу эса 2012 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 1,3 баробар кўп эканлиги, айниқса, аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириш, турмуш сифатини яхшилаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, узоқ йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгилаб олинган. Зеро, аҳоли турмуши қанчалик яхшиланса, давлат иқтисодиёти ҳам шунчалик ривожланиб бораверади. Аҳоли турмуш фаровонлиги эса бандлик масаласи билан боғлиқдир.

Ҳисобот даврида республика бўйича 250,4 мингта янги иш ўринлари яратилгани, улардан 150 мингтадан ортиғи (60,0 фоиз) қишлоқ жойларда ташкил этилгани бандлик масаласи ҳукумат эътиборидаги



Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

устувор вазифалардан эканини исботлайди. Янги ташкил этилган иш ўринлари умумий сонининг 156,8 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилгани, янги корхоналарни ишга тушириш, фаолият кўрсатаётганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 13,2 мингта янги иш ўрни ташкил этилгани эътиборга моликдир.

Таъкидлаш керакики, бундай натижаларга эришишда ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури шулар жумласидандир. Унинг изчил ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда тегишли вазирлик ва идораларнинг шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари билан иш жойларининг мониторингини юритиш, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, биринчи навбатда, ёшлар бандлигини ҳал этиш мақсадида ҳам

корлик йўлга қўйилгани айтиш мумкин. Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқ-

ни сақлаш, аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа харажатларни ўз вақтида молиялаштириш, Давлат бюджетининг газначилик ва самарали ижросини таъминлашга қаратилди. Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга сарфланган харажатлар умумий сарф-харажатларда 59,2 фоизни, ялпи ички маҳсулотда уларнинг улуши 14,8 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 15,6 фоизга ошди.

Жорий йил бошидан буён «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 1,3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Юртимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит натижасида саноат тармоқлари ҳамда жалб этилаётган сармоялар ҳажми тобора кўпайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришда кенг имкониятлар эшигини очаяпти. Пиротатбиқ этилаётган дастурлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури шулар жумласидандир. Унинг изчил ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда тегишли вазирлик ва идораларнинг шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари билан иш жойларининг мониторингини юритиш, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, биринчи навбатда, ёшлар бандлигини ҳал этиш мақсадида ҳам

корлик йўлга қўйилгани айтиш мумкин. Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқ-

ни сақлаш, аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа харажатларни ўз вақтида молиялаштириш, Давлат бюджетининг газначилик ва самарали ижросини таъминлашга қаратилди. Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга сарфланган харажатлар умумий сарф-харажатларда 59,2 фоизни, ялпи ички маҳсулотда уларнинг улуши 14,8 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 15,6 фоизга ошди.

Жорий йил бошидан буён «Обод турмуш йили» Давлат дастури

латасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар Ҳукуматнинг мажлисларида Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалаларга доир ҳисоботи дастлабки тартибда кўриб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ҳисобот давридаги Давлат бюджетининг ижроси муҳокамасида социал-демократик гоялардан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни ижтимоий соҳалардаги бюджет ижросига қаратди.

Айтиш керакики, фракциямиз мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасалари учун сотиб олинган замонавий ускуналар ва жиҳозларнинг сифатига эътиборни қўйишда ҳамда илм-фанни ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг самарадорлигини ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Шунингдек, Давлат бюджетининг ижроси юзасидан депутатлик назоратини олиб боришда туман, шаҳар, вилоят кенгашларидаги депутатлик корпуслари билан ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини қўйиш зарур.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимиз изчил ва барқарор ривожланиш йўлидан дадил одимламоқда. 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурда ҳам белгиланган улкан вазифаларни амалга ошириш ҳар биримиздан зимманимиздаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда самарали меҳнат қилишни талаб этади. Зеро, юрт равнақи, эл фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир.

Семинар-тренинг

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сергели туман кенгаши ташаббуси билан «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида туман ҳокимлигида одам савдоси ва унинг оқибатларини ўрганиш, уни ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган «Одам савдоси — глобал муаммо» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Сергели туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари, туман тиббиёт бирлашмаси, туман Маънавият ва маърифат Кенгаши, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Глобал муаммо

унга қарши биргаликда курашамиз

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда одам савдоси инсон, унинг дахлсиз ҳуқуқлари, қадр-қиммати, оқилолиги ҳаёти ва келажаги-га жиддий путур етказувчи, сарҳад, миллат танламайдиган иллат бўлиб, ўз домига кўпроқ аёллар ҳамда болаларни тортиши билан жажон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Ушбу жиноят асосан, инсонларни оғир шaroитларда меҳнат қилишга мажбурлаш, қулилик, мажбурий донорлик каби бошқа мақсадларда фойдаланишдек жижирканч кўринишлари билан намоён бўлмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда ҳам дунёнинг бошқа давлатлари қатори уюшган жиноятчилик, айниқса, одам савдоси ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида хорижий давлатлар билан бир неча шартнома ва битимлар имзоланган.

Булар сирасига БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш» Конвенцияси ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш» ҳақидаги Протоколи, 2008 йилда БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги» Конвенциясини тўлдирувчи протокол ва бошқа бир қатор меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

— Бугунги кунда мўмай пул ишлаб топиш илмининг хорижга ноқонуний кетганларнинг кўпчилиги «одам савдоси» аталмиш жижирканч бир жиноятнинг қурбони бўлишмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сергели туман кенгаши раиси Равшан Бойқулов. — Глобал муаммо сифатида қаралаётган одам савдоси ва унинг хунук оқибатларини ёшларимиз онгига етказиш, иш билан таъминлайман, деб одамларни турли айдов йўллар билан олиб чиқишга ҳаракат қилаётган нопок шахслар ҳақида маълумотлар беришда биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳалла, мактаб, коллеж ва лицейлар билан мунтазам алоқаларни йўлга қўйганмиз. Бугунги тадбиримиздан кўзланган мақсад ҳам бу борада ёшларимиз орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни янада ҳушёрликка қақаришдир.

Тадбир сўнггида иштирокчилар мутасаддилардан ўзларини қизиқтирган саволларга етарли жавоб олдилар ва кўтарилган мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бобур ОТАМУРОДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот котиби

Бир финжон қаҳва устида...

Инновация

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ҳамда Кўнгиллилар Дастурининг «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» номли қўшма лойиҳаси доирасида пойтахтимизда Cafe Scientifique, яъни Илмий Кафе фаолият бошлади. «Cafe Scientifique» — бу тушунарли ва содда тилда, эркин шароитда илмий мавзуларда суҳбатлашиш учун қулай имкониятлар яратилган жой.

Мазкур илмий маскан ширин — бир финжон қаҳва устида илмий билимларни кенгайтириш дегани. Ушбу инновацион ташаббуснинг мақсади жамоатчилик қизиқишини олимга қаратиш, шунингдек, олимлар ва тингловчилар ўртасида норасмий учрашувлар ташкиллаштириб, жамоатчилик ўртасида илм-фан нуфузини оширишдир. «Илмий кафе»даги илк учрашув меҳмони Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Астрономия институти директори, «Фан ва турмуш» журнали бош муҳаррири, профессор Шухрат Эгамбердиев бўлди.

Таъкидлаш ўринлики, бу ерда энг мураккаб илмий мавзу ҳам ҳамма учун тушунарли бўлади, зерикарли маърузалар ўрнини қизиқарли мулоқот ва интерфаол мунозаралар эгаллайди. Тушунарсиз илмий атамалар, формулалар ва мураккаб диаграммаларга бу ерда ўрин йўқ. Машҳур олим ва экспертлар ўз фаолиятлари юзасидан олдий, тушунарли тилда йилгиланларга гапириб бериш учун ушбу масканга таш-

риф буюрадилар. Глобал иқлим ўзгариши, молиявий инқироз, ген модификацияси, ҳужайралар, глобализация ва кўпчиликка таниш, лекин ҳамма ҳам тушунарли бўлавермайдиган долзарб мавзулар «Илмий кафе»да муҳокама этилади. Бир финжон қаҳва ичиш мақсадида бу ерга келган ҳар қандай меҳмон мавзулар юзасидан бораётган мулоқотларда иштирок этиши ёки суҳбатларни тинглаб, ўзига керакли маълумотларга эга бўлиши мумкин. «Cafe Scientifique»да Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда ҳар ойда бир мартаба турли соҳа мутахассислари ва экспертлари, шунингдек, жамоат арбоблари билан учрашувлар ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, тарихда илк Cafe Scientifique учрашуви 1998 йилда ўтказилган, уни ташкил этиш госян Лидс шаҳрининг (Буюк Британия) бир гуруҳ ташаббускорларидан чиққан эди. Бугунги кунда жаҳонда қирққа яқин ана



шундай илмий масканлар мавжуд. Эндиликда Тошкент ҳам олим ва қизиқувчилар ўртасида учрашувлар ташкил этиладиган шаҳар сифатида дунё харитасидан ўрин олди.

— «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» номли қўшма лойиҳа 2012 йилда йўлга қўйилган бўлиб, у ўз доирасида ижтимоий инновациялар тушунчаси ва унинг амалий қўлланилиши тарғиботини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали халқимизга хос бўлган кўнгиллилик мада-

ниятини янада қўйиштиришга йўналтирилган, — дейди лойиҳа менежери Баҳодир Аюпов. — Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда олдимизга ижтимоий интеграция ва ривожланиш учун ижтимоий инновацияларни татбиқ этиш, кўнгиллиларнинг роли ва салоҳиятини ошириш, жамият ривожланишида иштирок этиш учун кўнгиллиларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда кўнгиллиликка қўмаклашиш каби вазифаларни қўйганмиз.

Лойиҳа қатор ташаббуслар-

ни бошқаришда ижтимоий инновациялар имконияти ва афзалликларини намойиш этишни кўзлаган, илғор халқроқ тажрибаларни давлат ва хусусий сектор томонидан кенг ишлатишга қўмаклашишни режалаштирган. Бу мақсадга йўналтирилган режаларимиздан яна бири — давлат, хусусий сектор ва илмий доираларда ижтимоий инновацион марказ сифатида хизмат қиладиган Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ижтимоий инновациялар лабораториясини ташкил этишдир. Инновацион

лоийҳалар устида иш олиб бориш учун барча шароитлари мавжуд ушбу лаборатория фаолияти доирасида ижтимоий инновациялар оромгоҳи ҳам ташкил этиш кўзда тутилган. Унда яратувчан ва инновацион фикрловчи ёшлар ҳафта давомида ўз яшаш жойларида ижтимоий муаммоларни инновацион йўллар билан ҳал этиш мақсадида йиғиладилар. Ҳозирги кунда лойиҳанинг 20 га яқин кўнгиллилари лаборатория қошида brand.uz компанияси билан ҳамкорликда ижтимоий инновацион мобил дастурлар яратиш устида иш олиб бораётилар.

Шунингдек, лойиҳа доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти етарли даражада тарғиб қилинмаган қадимжоларини инновацион тарзда ижтимоий тармоқлар орқали таништиришга қаратилган ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Бу йўналишда БМТ ТДнинг «Маҳаллий бошқарув тизимини кўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» номли лойиҳаси билан ҳамкорликда эълон қилинган танлов натижасида 30 дан ортиқ кўнгилли гуруҳлар танлаб олинди ва уларга ўзлари тақдим қилган лойиҳаларини амалга оширишлари учун ноутбук ва фотокамера-лар тақдим этилди. Ҳозирги кунда ушбу йўналишдаги ишлар доирасида маҳаллий ва чет эл жамоатчилигининг эътиборини Ўзбекистондаги турли сайёҳлик масканларга жалб қилган ҳолда муайян натижаларга эришилмоқда.


Қолаверса, «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» лойиҳаси доирасида — «Парламентаризм

асослари» бўйича мультимедиа ўқув кўланмаларини ишлаб чиқиш, олий ўқув юртлари битирувчиларининг ишга жойлашиш пайтида дуч келган муаммоларини, шу жумладан, иш тажрибаси йўқлиги муаммосини ечишда қўмаклашадиган «Амалиёт агентлиги»ни ташкил этиш каби қатор ташаббуслари илгари сурилмоқда. Бу борадаги фаолияти доирасида лойиҳа Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази, Президент ҳузуридаги Давлат Бошқаруви академияси, Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва бошқа ташкилотлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» номли лойиҳа йўналишларининг асосий қисми талабалар, ёш мутахассислар ва кўнгиллилар учун ўз устида доимий иш олиб бориш муҳимлигини англаш, мамлакат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган ишончини мустаҳкамлаш имкониятини беради. Уларга ўз назарий билимларини амалиётда қўллаш учун шарт-шароитлар яратиш, турли ижтимоий масалаларни инновацион ёндашув билан ечиш кўникмаларини шакллантиради. Кўнгиллилик имкониятлари эса талабалар учун келажакда ишга жойлашиш жараёнини осонлаштирадиган иш тажрибасини беради.

Илҳос САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Муқобил энергия масаласи — сессия муҳокамасида



Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши-нинг ўн саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Унинг кун тартибига “Наманган вилоятида энергияни тежаш мақсадида муқобил энергия турларидан фойдаланишни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш тўғрисида”ги масала ҳам кири-тилганди. Бу ҳақда Ўзбекистон “Адолат” соци-ал-демократик партиясининг вилоят Кенгаши-даги депутатлик гуруҳи раҳбари, 3-Найман ок-ругидан сайланган депутат Одилжон Бўриев маъруза қилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур масала сессия кун тартибига партиямизнинг вилоят Кенга-шидаги депутатлик гуруҳи та-шаббуси билан киритилди. Биринчи навбатда Ўзбекис-тон Республикаси Президен-тининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги Фармони-дан келиб чиқадиган қоида ва ҳулосалар, долзарб вазифа-ларга аҳамият қаратилди. Қолаверса, иқтисодиётда ва турмушда ишлатиладиган анъ-анавий энергияни тежаш тар-тибини жорий этиш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фой-даланишни асослаш меха-низмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари партиямиз дасту-

рида ўз ифодасини топганли-ги ҳам эътиборга молик. — Сессияга масала тайёр-лашда қатнашган фаоллари-миз аввало, муқобил энергия манбаларини яратиш ва жорий этишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўргандилар, — дейди вилоят партия Кенгаши раисининг биринчи ўринбоса-ри Жамолддин Эргашев. — Шаҳар ва туманларда қуёш ба-тарейаларидан, биогаздан, ша-мол энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича ҳам озми-кўми, тажриба тўпланган. На-манган муҳандислик-техноло-гия институтида бир неча ижо-дий гуруҳ ушбу йўналишларда илмий изланишлар олиб бо-раётир. Мамлакатимизнинг бошқарувида янада амалга ошириладиган ишлар кўлами ҳам кенг. Маърузада шу каби жиҳатларни атрофлича ва

тўлақонли акс эттиришга жид-дий эътибор берилди. Вилоя-тимизда муқобил энергия тур-ларидан кенг фойдаланиш, ин-новацион қурилмаларни ишлаб чиқиш ва ўрнатиш билан боғ-лиқ фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар сони, уларнинг илмий ва тажриба салоҳияти ортиб бораётганли-ги, ушбу жараёнда ҳудудий партия ташкилотларининг ама-лий иштироки фаол тус олаёт-ганлиги таъкидланди. Бевоси-та ҳаётдан олинган қизиқарли факт ва рақамлар эса маъру-занинг таъсирчанлиги ва қизи-қарлилигини янада оширди. “Обод турмуш йили” Давлат дастурини бажаришда партия-нинг фаол иштирокини таъ-минлашга қаратилган Ўзбекис-тон “Адолат” социал-демокра-тик партиясининг 2013 йилда-ги фаолиятининг устувор ва-зифаси — “Энергия тежамкор-лиги ва муқобил энергетика”-ни жорий этиш бўйича ҳара-кат Дастури муваффақиятли амалга ошириладиганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирма-ди. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг иштирокини ама-лий жиҳатдан кенгайтириш, ушбу жараёнларда уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида инновация йўнали-шида Ёшларнинг энг яхши ин-новацион лойиҳаси” ва “Муқо-

бил энергиянинг энг фаол тар-ғиботчиси» лойиҳасини эълон қилганлиги диққатга сазовор-дир. Шунинг учун бўлса керак, масала сессия қатнашчилари-нинг кўпчилигида катта қизи-қиш уйғотган. Масалан, вило-ят ҳокимининг капитал қури-лиш, коммуникациялар, ком-мунал хўжалик ва ободонлаш-тириш масалалари бўйича ўринбосари Тўлқин Дадабоев бу йўналишда вилоят бўйича ахлит дастур ишлаб чиқиш та-клифини билдирди. “Адолат” СДПдан вилоят Кенгаши де-путати Абдукарим Дўстбоев-нинг изҳор этган мулоҳазала-ри ҳам диққатга сазовор: — Мен раҳбарлик қилаётган “Чортоқархитектқурилиш” масъулияти чекланган жамия-ти қишлоқ жойларида намуна-лий турар-жойлар қуриш билан ҳам шугулланади. Бундан буён эксперимент тариқасида ана шу бинолар муқобил энергия манбалари асосида иситишни ёки ёритишни лойиҳалашти-ришни сўрардим. Биз эса бун-дай биноларни қуриб бериш-га бажонидил тайёремиз. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси муқобил энергия тежамкорлигини оши-риш, экологик тоза, қайта тик-ланувчи энергия манбалари-дан фойдаланиш кўламини янада кенгайтиришнинг дол-зарблигини ҳисобга олиб, На-манган вилояти иқтисодиёти-нинг турли соҳаларида муқо-бил энергия манбаларидан фойдаланишга бўлган эъти-борни кучайтиришга қаратил-ган қарор қабул қилди. Унинг бажарилишини ташкил этиш ва назоратини йўлга қўйишда “Адолат”дан сайланган депу-татлар ва партиямизнинг ша-ҳар ва туман кенгашлари фаол иштирок этишга қарор қилди-лар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Наманган вилоят Кенгаши
матбуот котиби



“Жомбой жавоҳири” — табиат мўъжизаси

Экспорт

Баланд тоғлар ёнбағрида табиат мўъжизаси сифатида сочилиб, инсон ақлу заковати билан ўз қийматини намоён этган кальцид бугун кимё соноатидан қурилиши-у фармацевтикагача бебаҳо хомашё сифатида кенг қўлланилмоқда.

Ҳатто, паррандачиликнинг озуқа базасини шакллантириш-да зарур бойитма сифатида ишлатилмоқда. Барча соҳалар-да у аллақачон ўз имкониятла-рини намоён этиб, даромад манбаига айланган. Кальцидни излаб узокқа бо-ришининг ҳолати йўқ. Самарқанд вилоятининг Омонқўтон тизма тоғларида табиий минералнинг каттагина захираси бор. Айни шу ҳолат “Жомбой жавоҳири” қўшма корхонасини очилга ва илгари Ўзбекистонга четдан импорт қилинган қимматли хом-ашёни ишлаб чиқаришга турт-ки берди десак, аниқлимаймиз. Бугун Жомбой туманида фа-олият юритиб, юксак даражада модернизациялашган, сифатни бошқаришнинг компьютер ус-куналари билан жиҳозланган, темирйўл тармоғига уланган мазкур корхона йилга 32 ми-тоннагача кальцид ишлаб чи-қармоқда. Буюртмачилар қаторида

“Ўзбеккабель”, “Осиё батарея” қўшма корхоналари, Фаргона қурилиш материаллари комби-нати, “Мелен”, “Акфа” масъу-лияти чекланган жамиятлари сингари ўнлаб салоҳиятли кор-хоналарни мисол қилиб кўрса-тиш мумкин. Аниқроқ айтганда, мамлакатимиздаги 62 та кор-хона Жомбой кальциди асоси-да ўз ишлаб чиқаришини таш-кил этишга ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлмоқда. — Ўтган йили буюртмачилар-га 7 миллиард 379 миллион сўмлик минерал хомашёси ет-казиб бердик, — дейди “Жом-бой жавоҳири” қўшма корхона-си раҳбари Нажмиддин Қаҳҳоров. — Бу йилги натижа янада салмоқли бўлиши кутил-моқда. Кальцидни экспорт қилиш бўйича Қозғоғистон, Турк-менистон, Қирғизистон, Тожи-кистон сингари Ҳамдўстлик мамлакатлари билан шартнома тузганмиз. Аллақачон уларга

411 минг АҚШ доллари миқдо-ридаги дастлабки буюртмани етказиб бердик. Дарвоқе, ишлаб чиқаришнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозор йўналишида оқилона ташкил этилгани тўғрисида бугун қўшма корхонада 76 нафар ходим юқори даромадли иш билан банд. Ёки “Жомбой жавоҳири”-да яхши мутахассис 1 миллион сўмгача маош олмақда. Изланган имкон топар, де-ганларидек, салкам юз фоиз маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб янги-янги ҳам-корларни топаётган, бозор та-лабини қўлаб янги йўналиш ва қўшимча иш жойларини ярата-ётган “Жомбой жавоҳири”да ҳар бир изланиш жамоа ман-фаатдорлигига хизмат қилмоқ-да. Ҳозир рақобат бозориди си-налган “Винтум Маума Гром” масъулияти чекланган жамияти билан қурилишда ишлатиладиг-ан мукамал пардозлаш қуку-нини шу ернинг ўзиди ишлаб чиқариш бўйича амалий ҳамкор-лик давом эттирилмоқда. Мақ-сад, табиатнинг ноёб мўъжиза-си бўлган кальциднинг халқ хўжалигида янада кенг қўлла-нишини таъминлаш, корхона шўхратини, рақобатбардошлиги-ни оширишдан иборат.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Мулкингизни асранг!

Ҳушёрликка даъват

Воқеа шу йил 3 апрель кун Ташкент ша-ҳар Шайхонтоҳур туманида содир бўлди. Ҳайдовчи С. шахсий «BA3-21011» русумли автомобилни уйининг олдида қаровсиз қол-дирганидан фойдаланган номсўлум шахслор унинг олди ва орқа давлат рақам белгилари-ни ўғирлаб кетди. Ҳозирда ушбу ҳолат юза-сидан қидирув ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шу йил 28 февраль кун Ташкент туманидаги кўп қаватли уйлардан бирининг олдида қаровсиз қолдирилган “Нексия” русумли транспорт воситасининг олд-орқа давлат рақам белгилари ҳам номсў-лум шахслар томонидан олиб кетилган. Олиб борилган тез-кор қидирув тадбирлари нати-жасида ушбу жиноятни Учтепа туманида яшовчи, 1998 йилда туғилган икки нафар ўспирин содир этганлиги аниқланиб, улар ушланган.

Ҳайдовчиларимизнинг эъти-борсизликлари бу каби ҳоди-саларнинг содир этилишига замин яратмоқда. Йўл ҳарака-ти хавфсизлиги Бош бошқар-маси марказий ахборот дис-петчерлик хизматининг кунда-лик маълумотларини кўздан кечирсак, бу каби ҳолатлар сўнгги вақтларда тез-тез со-дир бўлаётганлигини кўраемиз. Агар уларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу каби воқеалар асо-сан қаровсиз қолдирилган транспорт воситалари билан боғлиқ ҳолатда юзага келмоқ-да.

Давлат рақам белгилари йўқолишининг асосий сабаб-ларидан бири, бу ҳайдовчиларимизнинг уни эҳтиётлаш чо-раларини кўрмаётганлигидир. Кўплаб транспорт воси-таларининг давлат рақам бел-гилари уларни ушлаб туриш



ликаси Жиноят кодексининг 227-моддасида корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар-нинг қатъий ҳисобидидаги ҳуж-жатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, шунинг-дек, уларни нобуд қилиш, ши-каст етказиш ёки уларни яши-риш қаровсизлик ёхуд бошқа шу каби ниятларда содир этилган бўлса, жавобгарлик белгиланган эди. Олий Маж-лис Сенатининг ялпи мажли-сида ушбу моддага бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар ки-рилди. Жумладан, мазкур модда «автотранспорт восита-ларининг давлат рақам бел-гилари» деган тахрирда тўлдир-илди ҳамда шу модда диспо-зициясига «Шунингдек, авто-мобилнинг транспорт восита-рининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) дав-лат рақам белгиларини» деган қўшимча ҳам киритилди. Бу ўзгаришлар автотранс-порт воситалари учун давлат рақами белгиларини қайд этиш, юритиш ва сақлаш тартиби бўйича муносабатлар-ни, фуқаро ва юридик шахс-ларнинг ҳуқуқлари ҳамда қону-

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Ҳўш, давлат рақам белгилари ёки автотранспорт воситаларига тегишли бошқа ҳужжатлар нима сабабдан ёки қандай мақсадда ўғирланиши, ўзлаштирилиши ёки қалбаки-лаштирилиши мумкин? Бу, энг аввало, бирор-бир гаразли мақсадни қўлаб, жиноий хат-ти-ҳаракатларни амалга оши-риш мақсадида содир этила-ди. Бошқа шахсга тегишли ав-тототранспортга тааллуқли давлат рақам белгиси билан жиноят содир этиш уша дав-лат рақам белгисининг ҳа-қиқий эгасига ҳам бир қатор ташвишларни келтириб чиқа-ради. Шунинг учун фуқарола-римиз ҳам ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига ҳисса қўшишлари ло-зим. Бунинг учун, энг аввало, транспорт воситасини узок муддатга қаровсиз қолдир-моқда қолдирмаслик, давлат рақам белгиларини транспорт воси-тасига маҳкамловчи қисмлари-ни вақти-вақти билан текши-риб туришлари лозим. Эндиликда юқорида санаб ўтилганга ўхшаш ҳолатлар учун содир этган шахслар Жи-ноят кодексининг 227-мод-дасига асосан жавобгарликка тортиладилар. Шу сабабли, автототранспорт восита-ларининг эгалари давлат ра-қам белгилари ўғирлангани, йўқолгани ҳақида кечиктир-масдан ички ишлар идорала-рига хабар беришлари лозим. Бу содир этилиши мумкин бўлган турли айриқонуний ва жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда муҳим аҳа-миятга эга.

Мансуржон РИХСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
ЙХХББ катта инспектори,
подполковник

Ҳокимият органлари фаолияти очиқлиги — давр талаби

Давом. Боши 1-бетда

Дилбар ҲАМДАМОВА,
партиянинг Бухоро вилоят Кенгаши раисининг бирин-чи ўринбосари: — Ушбу қонун лойиҳаси ва унинг жойларда бажарилиши-ни ўрганиш мақсадида ташкил этилган синов бўйича ҳуқуқий тажриба бугунги кун талаби, деб ҳисоблайман. Умуман ол-ганда, мазкур амалиёт мамла-катимиз тарихидаги ноёб хо-диса. Бу каби тажриба мам-лакатимиз ҳудудида бундан олдин ўтказилмаган эди. Парламент депутатларининг ушбу ташаббусини мамлақати-мизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омилли сифатида қабул қилиш ўринли. Қонун моддаларининг муайян ҳудудларда бажарилиш жараёни ва унинг боришини ўрганиб туриб, барча норма-лар ижроси бўйича аниқ йўна-лишлар олиш мумкин, деб ўйлайман. Бу жабҳадаги ишлар таҳлили қонуннинг жойларда ижро этилишига оид аниқ та-саввурга эга бўлиш ва унинг ҳуқуқни қўллаш механизмлари-га тежорлик билан тузатишлар киритиш имконини беради. Қонун лойиҳаси синови со-ҳадаги бўш ва мунозарали жи-ҳатлар, айрим камчиликларни аниқлаш, уларни тузатиш бўйича зарур чора-тадбирлар-ни ишлаб чиқишга ҳам хизмат қилади. Мазкур ҳуқуқий таж-рибанинг яна бир асосий жи-ҳати, бу — фуқароларнинг жой-лардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаоли-яти ҳақидаги фикрларини ўрга-ниш имкониятидир. Айни пайт-да мазкур тажриба бошқарув-да очилиқ, ошкоралик ва хи-собдорлик тамойилларини ил-гари сураётган партиямиз го-яларига яқинлиги билан аҳами-ятли, деб ўйлайман.

Давр ва дунёқараш тарбияси

“Adolat” шарҳи

Дунё халқлари тафаккур тарзида муҳим ўрин тутадиган билимдонлик, ватанпарварлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, ўз мавқеи учун курашиш, замонга ҳамнафаслик, огоҳлик, яратувчанлик ва бошқа кўплаб фазилатлар ўзбек халқининг характерли хусусиятларидандир. Мазкур характер маҳсули ўларок, эришилаётган натижалар бугун юртимизнинг дунё халқлари ичидаги обрў-этибори тобора юксалиб, ривожланган давлатлар билан алоқалари янада яқинлашувига сабаб бўлмоқда. Бу имкониятлар келажакда юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун йўл очади, албатта.

Айниқса, бугунги ахборотларнинг тез тарқалиши ва ижтимоий муносабатларнинг тез ўзгарувчанлиги жараёнларида келажак ҳақида ҳушёрлик, огоҳлик билан фикр юритиш ўсиб-улғайиб келаётган авлоднинг ҳамиша муҳим бурчи бўлиб қолмоғи керак. Чунки дунё таракқиётида ижобий силжишлар билан бир қаторда, инсоният келажакда салбий роль ўйнаши мумкин бўлган тенденциялар ҳам кузатилмоқда. Улар қаторида дунёда юз бераётган жараёнларга лоқайдлик, индивидуализм, маънавий қадриятларни унуттиш, маданиятсизликни маданий замонавийлик сифатида талқин этиш, тор фикрлилик, ижтимоийликни рад этиш, гиёҳвандлик, ҳаёсизликнинг турли кўринишлари, судхўрлик, кундалик ҳаёт билан яшаш, пул топишга интилиш ортидан ҳар қандай пасткашликдан қайтмаслик каби кўплаб иллатларни санаш мумкин. Буларнинг барчаси замонавий инсоният авлодида кенг фикрлилик қобилиятининг борган сари сусаяётганлигидан дарак беради. Дунёнинг ҳатто энг ривожланган мамлакатларида кузатилаётган бундай маънавий таназзул мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ Юртбошимиз диққат-этиборини тортган эди. Натижада мамлакатимизда юксак маънавиятли авлоднинг тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада олиб борилган ишлар натижаси бугун ҳар томонлама умумжаҳон эътирофига сазовор бўлмоқда.

Аммо тамаддун ҳаётида маънавий ва маданий бузилишлар, иқтисодий таназзуллар, сиёсий можаролар, ҳуқуқий тазйиқлар ҳали ҳануз давом этар экан, тафаккур, дунёқараш ва охир оқибатда инсон маънавияти ва ахлоқини тўғри шакллантириш масаласи янада катта эътибор билан қарашни талаб этади. Юксак дунёқарашга эга бўлган авлодлар давомийлигини таъминлаш эса халқ ва минтақа учун катта манфаатлар олиб келади. Кўриниб турибдики, мақса



са янада катта эътибор билан қарашни талаб этадиган замоннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Маълумки, инсон дунёқарашининг асослари, аввало, оилада юзага келади. Фикрлаш тарзини фарзандлар, аввало, ота-она, бобо-бувиларидан ўрганадилар. Дунёқараш ривожланишининг иккинчи босқичида маҳалла ва мактабнинг катта ўрни бор. Аммо ўрта махсус ва олий таълим даврини қамраб олувчи учинчи босқич авлодлар дунёқарашини, тафаккур тарзи ривожланишида аниқ ва қатъий шакл олиш давридир. Билим, касб, фаолият борасида кейинги даврда ҳам инсон муайян натижаларга эришиши мумкин. Лекин инсоннинг ўша даврда шаклланган дунёқарашини бошқа барча натижаларни ўзига хизмат қилдириш хусусиятига эгадир. Шунинг учун ёш авлоднинг ўрта махсус ва олий таълими даврида дунёқарашини бошқаришнинг маънавий-ахлоқий тарбия воситаларини такомиллаштириш, замонавий авлоднинг тафаккур тарзини белгилашга катта аҳамият қаратиш лозим.

Буюк мақсадлар юксак дунёқарашни талаб этади. Юксак дунёқарашга эга бўлган авлодлар давомийлигини таъминлаш эса халқ ва минтақа учун катта манфаатлар олиб келади. Кўриниб турибдики, мақ

садлар ва манфаатларга эришиш борасида юксак дунёқарашнинг мувофиқлаштирувчи ўрни бор. Шунга кўра, замон билан ҳамнафас равишда мамлакатимизда ўрта махсус ва олий таълим соҳасида эришилган муваффақиятларни янада ривожлантириш учун айрим масалаларга эътибор оширилиши лозим бўлади.

Жумладан, талабаларда ўз касбий соҳаси, мутахассислигини умуммиллий таракқиётнинг ажралмас қисми сифатида тушуниш тафаккурини янада мустаҳкамлаш бугунги мурраккаб ҳаёт тизимида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг дунёқарашини ривожлантириш, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш олий таълим тизимида асосан ижтимоий-гуманитар фанлар ҳиссасига тўғри келади. Шахснинг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий, эстетик, мантикий фикрлай олишини таъминлаш, тарих, социал муносабатлар ва бошқа ижтимоий соҳаларни яхши билишга ўргатиш ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида катта масъулият юклайди. Аммо ҳар бир соҳа ва ихтисослик ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми эканлигини тушунтириш ишлари уларнинг асосий фанлар доирасида амалга оширилиши янада каттароқ натижаларга олиб келиши мумкин.

Ўрни келганда айтиш жоизки, замонавий таълим тизими

фақатгина ўз касбини яхши биладиган, ижтимоий-гуманитар фанларни тарих сифатидагина биладиган кадрларни тайёрлашни мақсад қилиб қўймайди. Бундай кадрлар тайёрлаш аъёнаси ўтган асрда қолиб кетган эски услубдир. Бугунги таълим тизимидан кўзланган мақсадга кўра, шакллантирилаётган янги авлод:

- шахс, давлат ва жамият, узлуksиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришни яхлит ҳолда тушуна олиш даражасига эга бўлиши лозим;
- ўз касбини мавжуд барча соҳаларнинг ажралмас қисми сифатида тасаввур қила олиши зарур;
- турли соҳаларнинг бир-бирига занжирдай боғлиқ эканлиги, уларнинг бирига дарз кетиши бошқа ҳалқаларнинг ҳам сочилиб кетишига олиб келишини тушуниши шарт;
- соҳалараро боғлиқликни тушуниш Ватаннинг ҳар томонлама мустақиллиги, садокат, ғурур, орият, таракқиёт учун курашиш, фаровонлик учун меҳнат қилиш, тинчликни авайлаш, хавфсизликни ҳимоя қилиш, қадриятларни ҳурматлаш каби дунёқарашни шакллантиришини англаши муҳимдир.


Фазлиддин РАВШАНОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Ҳиндистон Хитойдан ўзиб кетади

БМТ экспертлари дунёдаги 233 та мамлакат тўғрисидаги маълумотларни жамлаган ҳолда аҳоли сонини давлатлар кесимида ҳисоблаб чикди. Унга кўра, 2028 йилда Ҳиндистон аҳоли сони бўйича Хитойдан ўзиб кетиши ва дунёда биринчиликни қўлга киритиши тўғрисидаги тахминлар илгари сурилмоқда. Шу йилга келиб, ҳар иккала давлат аҳолиси 1,45 миллиардга етади ва шундан сўнг Ҳиндистон аҳолиси аср ўртасигача ўсишда давом этиб, Хитойдаги кўрсаткичлар эса аста-секин пасайиб боради.

БМТ ҳисоб-ки-тоблариға қараганда, ҳозирги вақтда дунё аҳолиси 7,2 миллиардни ташкил этади. 2050 йилга келиб эса бу кўрсаткич 9,6 миллиардга етади. Шу аснода ер шари аҳолиси сони кутилганидан анча юқори суръатларда кўпайиб боради. Ўсиш тенденцияси биринчи навбатда ривожланаётган давлатларда, хусусан, Африка мамлакатларида кузатилади. Ривожланган давлатларда аҳоли миқдори одатдагидек деярли ўзгармайди. 2030 йилдан бошлаб эса Хитой аҳолиси сезиларли даражада камайиб бориши ишонч билан тилга олинмоқда.

— Ер шари аҳолисининг ўсиш суръати бироз сусайганига қарамадан Африкадаги баъзи давлатларда кўпайиш шиддат билан давом этмоқда, — дейди БМТ Бош қотибининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари У.Хунбо. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли миллат ва элатларнинг ўтган давридаги, ҳозирги ва келажакдаги ўсишига оид таҳлилларни ҳар икки йилда бир марта чоп этиб боради.



Флюоресценцияли илонбалиқ

Япон биологлари ер шари фаунасида флюоресценцияга (нур таратишга) мойил дастлабки умуртқоли жониворни кашф қилишди. Anguilla japonica деб номланувчи япон илонбалиғи ўзида UnaG оксиленинг ёрқин рангли молекулаларини ҳосил қилиши аниқланди.



Илонбалиқ кўк рангли ёруғлик таъсирида ўзидан нур таратиши ҳақидаги илк маълумотлар 2009 йилда қўлга киритилган эди. Ўшанда олимлар айнан нима сабабдан бу жараён содир бўлишини тушуниб етмаган эди. Энди тадқиқотчилар бундай нур таратиш FABP номли ёғ кислоталарини бир-бирига боғлаб турувчи оксил, яъни хромофор ёрдамиде рўй беришини исботлашди. Ёруғликни қабул қилиб олиш ва уни янада қучайтириб қайтаришда билирубин (сафронинг сариқ пигменти) катта роль ўйнайди.

Олимларнинг таъкидлашича, бир жойдан иккинчи жойга қўчиб юрадиган ёш илонбалиқларнинг танасида оксил мик

дори кўп бўлиб, тунда кўк рангли лампа ёрдамида ёритилганда у ўзидан яшил нур таратиши маълум бўлди. Худди шундай нур тарата оладиган бирорта ҳам балиқ она табиатимизда ҳали учрамаган. Ҳайвонот оламида флюоресценция кенг тарқалган ҳодиса бўлишига қарамадан, олимлар ҳанузгача умуртқоли жониворлар танасида нур таратувчи оксиллар бўлиши эҳтимоли ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эдилар. Шу пайтгача балиқлар туркумига мансуб жониворлар орасида нур таратиш хусусиятига эга бўлган биргина умуртқасиз балиқ — ланцетник фанга маълум бўлган ҳолос.

Генларни патентлаштириш мумкинми?


АҚШ Олий суди бир овоздан инсон генлари патентлаштириш предмети бўлиши мумкин эмас деган қарорга келди, аммо сунъий йўл билан ишлаб чиқорилган ДНК патентлаштиришга рухсат этилади.

Юта штатидаги Myriad Genetics компаниясига тегишли иккита мана шундай патентни суд ўз қарори билан бекор қилишга мажбур бўлди. Бу патентлар айнан кўкрак бези ва тухумдон саратони касалликларини даволашга мўлжалланган генларга тааллуқли.

Судьялар ўз позицияларини қатъий ҳимоя қилган ҳолда шуни таъкидлашмоқдаки, ДНК табиат маҳсули ҳисобланади ва шундан келиб чиқиб, генлардан фойдаланиш учун патент бериш мантиққа зиддир. Генларни патентлаштириш аслида кулгили ҳолат бўлиб, у булут ёки шамолни патентлаштириш билан баробар экани қайд этилган.

Американинг фармацевтика саноати генларни патентлаш

тиришни тўлиқ тўхтатиб қўйиш генетик тадқиқотлар ва даволаш жараёнларини кенг миқёсда инвестициялаш масаласини боши берк кўчага олиб қириб қўйиш хавфидан огоҳлантирмоқда. Суд ўзининг эълон қилган қарори билан Барак Обама маъмуриятининг таклифларини инobatта олган ҳолда мурося йўлини танлашга ҳаракат қилмоқда. Сўнгги хулосаларга кўра, ушбу қабул қилинган қарор комплементар ДНК сифатида машҳур бўлган синтетик молекулаларга бериладиган патентларни тақиқламайди. Олий суднинг қарори эълон қилиниши биланок Myriad Genetics компаниясининг акциялари кескин даражада ошиб кетди.



Ё тамаки, ё соғлиқ...



этган. Иштирокчилар сигарета қутисига беихтиёр камроқ қўл чўза бошлашганини ҳам тан олишган.

“Ғапирувчи” сигарета қутилари гоёси соғлом турмуш тарзи учун кураш олиб борувчи кўплаб ташкилотлар томонидан қизгин маъқулланган. Энди сигареталар бундай қутиларда оммавий тарзда ишлаб чиқарилиши учун мамлакат қонучилигига тегишли ўзгартиришлар киритилиши талаб этилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг хулосаларига кўра, тамакига қарши кураш режали ва изчи олиб борилган тақдирда, 2050 йилга қадар 7,4 миллион киши ўлимдан асраб қолинади! Айни пайтда фуқароларни пассив чекишдан, яъни тамаки тутунидан ҳимоя қилиш ишлари қучайтирилиб, сигарета рекламасига қарши қатъ

ий кураш олиб борилган тақдирда бу миқдор янада ортиши мумкин. Бу борада айнан чекишга қарши алоҳида қонун қабул қилган 41 мамлакат фаолияти бошқа давлатларга ибрат этиб кўрсатилган.

— Инсон ҳаёти бебаҳо, — дейди Вашингтондаги Жоржтаун онкология марказининг етакчи тадқиқотчиси професор Дэвид Лэви. — Қаранг, тамаки захрига қарши оддийгина кураш олиб бориш орқали шунча одамнинг ҳаётини сақлаб қолса бўларкан. Бу биз учун катта кашфиёт бўлди.

ЖСТ тамакига қарши кураш олиб боришнинг яна бир усули сифатида 2020 йилга қадар сигаретанинг сотувдаги баҳоларини ўртача 5-7 баробар ошириши таклиф этмоқда.

Садоқат КУПАЛОВА

Сўнгги саҳифа

Сирдарёнинг
“UzTE”
смартфонлари

Сирдарё вилоятида “ZTE” корпорацияси ҳамда “Peng Sheng” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳамкорлигида “UzTE” бренди остида смартфонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу муносабат билан 3 июль куни Сирдарё вилоятининг “Ҳақиқат” посёлкасида ўтказилган тантанали маросимда давлат идоралари вакиллари, хитойлик юқори мартабали меҳмонлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.



Замонавий ускуналар билан таъминланган корхонада “UzTE” бренди остида “Grand V” (V790), “Grand M” (V889M), “Grand X” (V970) каби уч моделда смартфон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 3,16 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилган.

— Биз замонавий бозор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон аҳолисига юқори сифатли ва чўнтақбон нархдаги уяли алоқа воситаларини таклиф этмокдамиз. Кел-

гусида Ўзбекистонда тайёрланаётган смартфонларни хорижга экспорт қилиш ҳамда маҳсулот турини кўпайтириш режамиз бор, — дейди “ZTE” корпорацияси вице-президенти Чжан Реньцзюнь.

Ҳозирча корхонада йилига 300 минг донга уяли алоқа воситаси ишлаб чиқарилади. 2016 йилга бориб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 500 мингга етказиш режалаштирилган.

Корхона вакилларининг айтишича, “UzTE” смартфонла-

ри июль ойи охиридан сотувга чиқарилади. Яқин муддатда Тошкентда ҳам бир нечта махсус дўкон очилади.

Мазкур лойиҳа 2013 йил 6 апрелда “ZTE” корпорацияси ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида имзоланган сармоявий битим доирасида йўлга қўйилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, уяли алоқа воситалари ва бошқа электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўядиган хориж компаниясига имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Телекоммуникация ускуналари ва уяли алоқа воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ZTE” корпорациясига 1985 йилда асос солинган. Корпорацияда 90 мингга яқин ходим фаолият юритади. 2012 йил якунига кўра, “ZTE” уяли алоқа воситалари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунё компаниялари орасида тўртинчи натижани қайд этган.

“UzTE” смартфонлари ишлаб чиқариш лойиҳасининг иккинчи таъсисчиси — “Peng Sheng” қўшма корхонаси 2009 йили Сирдарё вилоятида ташкил этилган. Корхона пойабзал ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда тери ошлаш каби уч йўналишда фаолият юритиб келмокда. Корхонада 600 га яқин ходим ишлайди. Уяли алоқа воситаси йўналишининг очилиши билан қўшимча иш ўринлари яратилган.

Собир САЛИМОВ

“ЎЗПАХТАСАНОАТ”



уюшмаси жамоаси

Мамлакатимизнинг фидойи ва заҳматкаш журналистларини, нашриёт, матбаа ходимларини, барча қалам аҳлини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан чин қалбдан қутлайди.

Юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш, Ватанимизни янада тараққий эттириш жараёнларидаги сермахсул фаолиятига ривож тилайди.

Бугунги туб ўзгаришлар ва янгиланишлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишдек масъулиятли ишингизда сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин!

Маҳалладошларига
бол улашаётган
отахон

Замондошларимиз

Мўмин ҳожи Қулиев Қоровулбозор туманининг Навбахор қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Ёши етмишга яқинлашиб қолган отахон 40 йилдан бери асаларичилик билан шуғулланади.



Бугун унинг ихтиёрида 120 оила асалари бор. Ўғли Саидназар бошчилигида шу йўналишда “Саид барака” фермер хўжалигини ҳам ташкил этган. Хўжаликда йилига ўрта ҳисобда 2 тонна асал етиштирилади.

— Мўмин ака ҳудудимиздаги саховатпеша инсонлардан бири, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Ҳасанов. — У маҳалламизнинг байрам тадбирларига ҳомийлик қилиш барибара, ҳар йили 200-300 килограмм асални кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатади.

Отахон яқин келажақда ўз хўжалигига қарашли экин майдонларини кенгайтириб, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик йўналишларида иш юритишни, савдо дўкони қуриб, маҳалладошларига қулайлик яратишни ҳам режалаштириб турибди.

— Мақсадим, ҳамқишлоқларимга кўпроқ нафим тегсин, — дейди отахон биз билан сўхбатда.

Ҳамро ОҚИЛ,
“Adolat” муҳбири

Жисмоний шахслар учун
омонатлар

Жисмоний шахслар учун омонатлар — бу сизнинг бўш пул маблағингизни нафақат кўпайиши, балки унинг хавфсиз сақланиши.

Сизнинг омонатингиз:

- банк сири ҳисобланади;
- декларацияга киритилмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади;
- ўз ихтиёрингиз бўйича чекланмаган тартибда фойдалана оласиз;
- қабул қилиш ҳажми чекланмаган.

«Ипотека-банк»даги омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Тел.: (8-371) 150-89-17,
(8-371) 150-89-57,
(8-371) 150-89-58.

www.ipotekabank.uz



Хизматлар лицензияланган.

Reklama

“BIRINCHI
АВТОКОРХОНА”

Очиқ Акционерлик Жамияти

“D” тоифага эга бўлган
ҳайдовчиларни
ишга қабул қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи
900 000 — 1 000 000 сўм.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани,
Уйсоғлар кўчаси, 3-уй.

Телефон: 280-30-18.



Газетанинг навбатдаги сони 2013 йил, 19 июлда чиқади.

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Маммадор ХУЖАБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.ҚУЛДОШЕВ. Навбатчи — Ф.ЖУРАЕВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgzt.uz

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот

ва ахборот агентлиги томонидан 0018

роқами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217



«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 700. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9100. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 00.00. 1 2 3 5